



Чўлпоннинг дин ва миллат хурриятига умид боғлаганлигини исботловчи энг характерли далиллардан бири – унинг 1922 йил 4 августида шахид кетган Анвар пошога бағишланган «Балживон» номли шеъри хисобланади. Хориждаги олимлар ушбу шеър хақида тез-тез фикр айтган бўлсалар-да, ўзбек адабиётшунослигида унинг номи ҳам деярли тилга олинмай келинган. Холбуки, «Балживон» Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон», «Гўзал Фаргона» шеърлари сингари кўлдан кўлга ўтиб, «турку каби» севиб ўқилган.

Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпон Туркистоннинг буюк мужоҳид шоири эди. Шунинг учун унинг шеърларида Ватан истиклоли учун кураш дин ва имон хуррияти учун курашдан ажралмагандир. Чўлпон мусулмонликнинг хароб ахволига каттик куйингани туфайли ҳам бир шеърда «Мўминларнинг ок виждони, имони, Шам сўнгандай тинсизгина сўндими?», деган саволга эътиборни қаратган эди.

Чўлпоннинг дин ва миллат хурриятига умид боғлаганлигини исботловчи энг характерли далиллардан бири – унинг «Балживон» номли шеъри хисобланади. Хориждаги олимлар ушбу шеър хақида тез-тез фикр айтган бўлсалар-да, ўзбек адабиётшунослигида унинг номи ҳам деярли тилга олинмай келинган. Холбуки, «Балживон» Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон», «Гўзал Фаргона» шеърлари сингари кўлдан кўлга ўтиб, «турку каби» севиб ўқилган. Колаверса, ўзбек шеърининг тарихида мазмун-моҳияти жихатидан «Балживон»га ўхшаш ёки унга яқин келадиган иккинчи бир шеър йўқдир.

Чўлпон шеърининг Туркиядаги тадқиқотчиси Хусайн Ўзбойнинг таъкидлашича, шоирнинг «Бузилган ўлкага», «Ёнгин», «Кўзгалиш», «Бас энди» сингари 1920 йилдан кейин ёзилган шеърлари катори «Балживон» шеърини ҳам эътиборга олмасдан, Чўлпон адабий шахсияти ва ижодиётига тўғри баҳо бериш мумкин эмас. Бу таъкидда жон бор, албатта. Чунки, биринчидан: «Чўлпоннинг асл адабий фаолияти 1920 йилдан бошланган ва у 1920-1926 йиллар орасида янги ўзбек адабиётининг мукамал шеърларини яратган. Иккинчидан, мазкур шеърларни назардан соқит қилиб, нима учун Чўлпон кўнглида ИСЁН («Мен кучли, мен-да исён, Мен тўлқун: мен-да тугён, Кўпирурман: тошарман. Чегарамдан ошарман...»), КАСОС «йикитгуччи, ағдаргуччи кўзгалиш. Яқиндаги зўр курашнинг

бошидир...») туйгулари бу кадар кенг ўрин ишгол килганлиги ва у нега собит эътикодда «буюк кўзгалиш рухи» билан калам тебратганлигини чукур англаб ҳам, хакконий изохлаб ҳам бўлмайди.

«Балживон» – жами йигирма олти мисрали бир шеър. Аммо унинг багрига яширинган тарихий маъно, очик фарёд ва толесизлик аламини ўнлаб дostonлар таркибига ҳам сигдириб бўлмайди. Ундаги хар бир сўз, хар бир сатр оралаб АЙРИЛИК ва ЖУДОЛИК изтироби мавж уради. Ундаги ОХАНГ ўз улугворлиги, теранлиги ва таъсирчанлиги билан кадимги туркларнинг фиғону фарёдга тўлик марсия оханглари эсга солади.

Фарёдим дунёнинг борлигин бўгсин,  
Умиднинг энг сўнгги ипларин узсин!

Шеър «дунёнинг борлигин» бўгиб, «умиднинг энг сўнгги ипларин» узишга йўналтирилган ана шундай кучли фарёд билан бошланади. Бу ФАРЁДнинг сабаби нима? Сабаби: «газабдан титраган ёш бир йигит»нинг дунёдан бемахал кўз юмиши:

Газабдан титраган ёш бир йигитнинг  
Тошдан сийнасига ўқлар ўрнашмиш.

Аслида бу «ўқлар» – ЭРК ва ОЗОДЛИК, ДИЁНАТ ва ФИДОЙИЛИК сийнасига санчилган ганим ўқлари эди. Шу боис хатто:

Тогларда эрк учун юрган кийикнинг  
Кора кўзларига мотамлар кирмиш.

Гап шундаки, «тоғларда эрк учун юрган кийик» – бу айна пайтда ўша мархум йигитнинг тимсолидир. Чунки, уни олис диёрларда бўй чўзган азим тоғлар багрига ЭРК ва ХУРРИЯТ маслаги бошлаб келганди. Бирок, кисмат унга кулиб бокмади. Дарёлар ва тўлкинларни титратган бу ЭР парокандалик, ожизлик, соткинлик ва кўркоклик курбони бўлди. Натижада:

Дарёлар, тўлкинлар титратган бир Эр,  
Зарбалар кахридан йикилмиш, толмиш!  
Кутулиш юлдузи йўкликка кирмиш,  
Сенинг сўнг жонингни ёвларинг олмиш.

Худди шу ўринда табиий савол тугилади: шоир «кутулиш юлдузи»нинг сўнишини унинг тақдири билан боглаган у жасур, у ёвкур нажот даргасининг ўзи ким? Бу халоскор кимни кимдан ёки нимадан халос килишга касд килган эди?

Бундай саволларга шеърда очик жавоб йўк, лекин бошдан-охир очик ишоратлар бор. Ва уларнинг хар бири алгов-далговли, конга беланган муросасиз тарихий вокелик, шу вокелик марказида кўлида килич ўйнаган кудратли тарихий бир ШАХС кисматига эътиборни жалб этади.

Бундан уч-тўрт йил мукаддам Чўлпон номини Анвар Пошо номи билан ёнма-ён кўйиш, камида, ари уясига чўп сукиш билан теппа-тенг эди. Мустакиллик мафкуриси чўчимасдан окни ок, корани кора дейиш хукукини берди. Жумладан, Анвар Пошога ҳам муносабат ижобий томонга ўзгарди, жумхуриятимиз матбуотида унга багишланган ва хакикатни ёритишга хизмат этувчи бир неча маколалар чикди. Йигирманчи йилларда Анвар Пошонинг Туркистонга келиши ва сиёсий фаолиятининг тарихий ахамиятини хаққоний баҳолаш учун эса бошни кундага кўйишдан ҳам кўркмаслик керак эди. Чўлпон шундай журъат ва шижоат сохиби бўлганлиги учун ҳам Анвар Пошо ўлими муносабати билан «Балживон» шеърини ёзганди. Бу шеър Анвар Пошонинг жасур сиймосини гавдалантирувчи сўздан яралган шеърини бир хайкал деса асло муболага бўлмайди.

Дарвоқе, Анвар Пошонинг кимлигини Чўлпон билмасмиди? Нахотки, у бу харбий зотнинг «инглиз империалистларининг жосуси», Шарк халқларининг «ашаддий душмани» эканлигини била туриб, унинг ўлими учун шу қадар кайгурган бўлса? Ха, Чўлпоннинг англлатгани, узок йиллар биз алданган ёлгон ва бўхтон эмас, балки хаққат эди. Демак. «Балживон» шеърини тахлил қилишдаги дастлабки талаб ва зарурият – Анвар Пошо маънавий сиймоси ва сиёсий харакатини улкан ёлгон, тухмат ҳамда уйдирмалардан ажратиб, мухтасар тарзда бўлса ҳамки, хаққатни сўзлашдан иборатдир. Унга тегишли чин хаққат эса мана бундай эди: «Анвар Пошо Турк дунёсида бўлганидек, Ислом оламида ҳам кенг танилган мард ва фидойи бир инсондир». Биринчи жахон урушигача у Туркиянинг нуфузли сиёсий ва харбий арбобларидан бўлиб, курашнинг энг қалтис ва машаққатли йўлларини босиб ўтди. Тарихдан маълумки, Анвар Пошо 1920 йилнинг бошларида Москвага келган. Ленин билан учрашган. Кейинрок Москвада бир партия тузиб, уни «Мусулмонлар Интернационали» деб эълон қилган.

Анвар Пошо 1921 йилнинг кузида Бухорога келган. Бу ҳақда Бухоро жумхурияти Марказий Ижроия кўмитаси раиси Усмон Хўжа шундай дейди: «Анвар Пошо Москвадан бошланган узок бир сафарнинг сўнгида – 1921 йил октябрь ойининг охирида Бухорога келди. Шунда мен Шаркий Бухорода эдим... Боқуда ўтказилган Шарк миллатлари курултойида катта бир нутқ ирод этган Анвар Пошо Бухорода хароратли тазахуррот-ла кутиб олиниб, кўп хурмат ва эҳтиромга сазовор бўлгандир» (Усмон Хўжа. Анвар Пошо Бухорода қолса эди... «Яқин тарихимиз», 78-бет).

Анвар Пошо ва бир неча сафдошлари шахардан сал ташқаридаги мухташам «Дилқушо» қасрига жойлаштирилади, Файзулла Хўжаев эса Усмон Хўжага сим қоқиб, «Бағоят буюқ, бағоят мухтарам Анвар Пошо»нинг келганлиги, унга барча шарт-шароитлар яратилганлигини маълум қилади...

Рожи Чақирўз, Анвар Пошонинг Бухорога келганлиги хабари «халқ орасида тарқалғач, одамлар уни кўрмок учун тўпланишди. Пошо кўп халойик йигилган майдонга келди ва у ерда бир нутқ сўзлади...– дейди («Турк дунёси тарихи» журнали, 1982, 9-сон). Анвар Пошо Бухоро заминида туриб, Туркистон элига мурожаат қилар экан, жумладан, бундай фикрларни баён қилган эди: «Орқадолар! Туркистоннинг муқаддас даъвоси йўлида олиб бораётган мужодалага мен ҳам кўшилгани келдим. Ичингизда биз билан бирга курашмокни хохловчилар бўлса, таклиф этаман, онт ичишсин! Лекин орангизда бола-чақаси руслар қўл остида бўлганлигини ўйлаб, андиша ва тараддуд қилувчилар

бўлса, очикчасига айтишсин...». Йигилган мужохидлар Туркистон озодлиги учун баробар мужодала этмакка онт ичадилар. Кўп ўтмай бу «онт» асоси сустиги хам равшанлиниб қолади.

Анвар Пошонинг Бухорога келиши Москов хукумати рахбарияти учун маъкул эмасди. Аксинча, Пошонинг ташрифи унинг сиёсий мақсад ва фаолиятига мутлақо зид эди. Шунинг учун рус элчихонаси Анвар Пошо Бухорода бўлган дастлабки кунларданок унга қарши хийла ва найранг ишларини бошлаган. Шу маънода Анвар Пошонинг 1921 йил 2 ноябрда хотини Нажиба Султонга йўллаган хатидаги куйидаги сўзлари эътиборга моликдир: «...Эрталаб рус элчихонасининг таржимони келди. Жамол Пошодан бир телеграмма келтирди. Унда менинг Московга қайтишим талаб қилинарди. Лекин ундаги тарих тухоф-галат эди. Телеграмма Московдан тунда жўнатилган. Холбуки, Бухорога келиш қайди икки кун аввални кўрсатарди... Руслар Бухоро ва Хивада сарбаст қолмок шарти ила Афғон ва Хиндни инглизларга бермокчилар... Ўзлари бутун хирслари ила Туркистон ва Кафказияга ёпишганлар» (Шавкат Сурайё Ойдемир. Македониядан Ўрта Осиёга. Анвар Пошо. 3-жилд, 639-640-бетлар).

Орадан бир кун ўтиб рус элчихонасининг таржимони яна Пошо хузурига келади. Жамол Пошодан келган иккита, Чичериндан олинган битта телеграммани кўрсатиб, зудлик билан унинг Москвага жўнашини талаб қилади. «Якин кунларда, албатта, кетаман», дейди унга Пошо. Бунгача у «Когонда рус консули Юренов билан учрашган. Жамол Пошонинг Афғонистонга қачон келишини сўраган, элчи унга: «Жамолга йўл бериш у ёқда турсин, Сизнинг хам бу ерда нима ишлар билан шугулланишингизни жуда яхши биламиз», деб жавоб берган. Пошо буни тўғридан-тўғри кўрkitув чораси деб тушунган. Хуллас, у ўйлаб-ўйлаб, «Бухородан кетиш керак!» — деган қарорга келади. Ва Шаркий Бухорога томон йўлга хозирланади. Пошо Бухородан кетаётиб, бир гурух мужохидларни йигиб кўрсатмалар беради, уларни истиклол йўлида жон фидо айлашга даъват этиб дейди: «Туркистон учун курашмок керак. Хак иши учун ўлимдан кўрксанг, ўзингни хам ит холида яшашга махкум қиласан. Агар бу ишга қатъий қиришмасак, келажак авлодларнинг лаънати огир бўлур. Кутулиш йўлини излаб, ўлсак хам ўзимиздан кейин келадиган авлодларга озодлик ва истикбол йўлини таъминлаган бўламиз».

Анвар Пошо Бухоро шахри билан мангуга хайрлашган кун – 1921 йилнинг 8 ноябри. Шу куни «Авалло, амирнинг шахар ташқарисидаги саройи яқинидаги милиция биносига бордик, – дейди Пошо. – Бир рус милтиги ва юзта ўк олдим. Йўлга тушдик. Нихоят чўлга чиқиб, асл йўлга етишдик». Анвар Пошо учун бу йўл – рохатсизлик, азоб ва рухий қийноқлар йўли эди. Бу йўлдан у мағлубият ва шахидликка томон бораётгани. Унинг учун бу кунлар – бағоят зиддиятли, ўйловли, қўнғилни гоҳо тушқунлик қуюни қуршаб олган армонли кунлар эди. Бухорога у жуда улуг ният, юксак орзу-умидлар билан қириб келгани. Қондош ва диндош қардошларини бир байроқ остида бирлаштириш, уларга бош бўлиб, шон ва зафарлар қучиш, бу табаррук заминни босқинчилар қўлидан халос айлаб, асрий эркинлигини қайта тиклаш истаги уни Бухоройи Шарифга қорлаганди. Бухорони Пошо кўрди: бузилган, қарийб бир вайронага айлантирилган шахар жуда махзун ва чалажон бир ахволда эди. Пошо бухороликларнинг ахвол-рухияти ва сиёсий-ижтимоий харақатларини хам яқиндан қузатди. Тўғри, халқ орасида юрт истиклоли учун жон тиккан идроқи ойдин, имони бутун қишилар хам кўп эди. Шундай

кишиларнинг йўлбошчилари махаллий ҳукумат номига: «Сизлар ўз биродарларингиз бўлган рус большевиклари билан Бухоро тупроғига кириб, миллат конини тўқдингиз, унинг мулки бўлган олтин ва галлани йўқ қилиб ташладингиз, хуллас, халқнинг барча зарур мулкани йўқотдингиз, мачит ва мадрасалар каби табаррук жойларни оёқ ости қилдингиз... Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз бўлиб қолди, ҳақиқатда ундан дарак йўқ...

Бир ярим миллион кишидан иборат бўлган Бухоро аҳолиси чўл ва тоғларда ўзининг иссиқ конини тўқиб, қўлига қилич олиб, миллат хоинлари билан жанг қилаётганлигини ҳозирги кунда кўриб турибмиз. Биз ҳам ватанимизнинг ҳақиқий фарзандлари билан бирга мамлакатимиз мустақиллиги ва равнақи учун сиз, коммунистларга қарши курашаверамиз. Бизлар босмачилар эмасмиз, балки миллатимизнинг ҳақиқий ва итоатли ходимларимиз. Душманларимиз бўлган русларни ватанимиздан ҳайдаб чиқарамиз...», деган эътирозномалар битган.

Лекин омма орасида большевикларнинг макри ва пуч ваъдаларига ўқиб сиёсий хурофотдан мияси гавлаган кимсалар кўпайиб қолганлиги ва кўпаяётганлиги Анвар Пошони барибир хайрон қолдирди. Нега бундай? Бу нечук маслаксийлик? Одамлар руҳан нечук бунчалик майдалашган? Нахотки, «исломий мутелик» халқ онгида шу қадар кенг томир ёзган бўлса? Иродаси темир, юраги арслон Турон ўғлонлари қани? Пошо бу саволларга дафъатан жавоб тополмасди. Дунёда кўп нарса ўзгаришга маҳкум бўлганидек, ўша замонларда кўпдан-кўп бухороликларнинг руҳи ва қонида аждодларидан қолган меросий хислатлар – ватаний ахлоқ, жасурлик, жанговорлик, гурур, маъруфий хурлик сингари хиссиётлар анча сусайган эди. Пошо охири ана шуни аниқ билди. У Бухородан жўнаб кетар экан, «Сиз туркистонликларнинг миллий курашга тайёргарлигингиз йўқ, яқин вақтларда ҳам тайёрлана олмаяжаксизлар», – дея кўнглидагини яширмасдан, очик айтганди. Ахир у илк баҳоргача Бухорода қолмоқчи, бу қадим шаҳарда Туркистон мужоҳидларидан вакиллар тўплаб, улкан бир анжуман ташкил қилмоқчи эди. Бу ҳам ниятлигича қолди.

«Анвар Пошо Бухорода қолиб ишларимиз билан шугулланганда эди, — дейди Усмон Хўжа, – бутун Туркистон миллий қувватларини ислоҳ қилиб ва янгидан оёқлантириб, ҳақиқий бир армияни яратган бўлурди. Чунки ўша кунларда у ердаги турклар орасида Анвар Пошо даражасида лаёқатли, тажрибали ва шухратли бир кўмондон ҳатто, Афғонистон, Ироқ, хуллас бутун ислом оламида ҳам йўқ эди. Масалан, 1921 йил декабрида руслар билан орамиз бузилганда, «Оҳ, ҳозир Анвар ёнимизда бўлсайди, бизга улуг маънавий қувват бўлиб қолмасдан, биз уни дарҳол бош кўмондон этиб сайлардик, деб қуйинган эдик».

Ҳақиқатда ҳам Анвар Пошо ўша давр ва мураккаб шароитда Туркистон аскарӣ ишлари учун зарур Шаҳс эди. Аммо унинг Туркистонга қелиши фақат совет маъмурлари, муаррихлари томонидан эмас, бошқа ганимлари томонидан ҳам нотўғри талқин этилиб, бу борада жуда кўп тухмат ва ёлгонлар тўқилгандир. У Балживондан хотинига ёзган охириги хатида шу тўғрида ҳам тўхталган: «Сен билурсанки, маним ҳақимда тухмат ташвиқотлар тарқатиб юрган бадбахт кимсаларнинг иддао этганларидек, бу олис диёрга (яъни Туркистонга – И.Х.) мол-дунё ахтариб, бой бўлмоқ ёки ўз ҳокимиятимни қурмоқ

учун келганим йўк. Мени сендан узоклаштириб, бу жойларга келтирган Жаноби Хакнинг зиммамга юклагани бир вазифадир...».

Рус – совет боскинчилари зулмидан туркистонлик кон-кариндошларини халос айлашдек мукаддас курашга ўз хиссасини кўшиш Анвар Пошо учун Виждон амри эди. У Фаргона, Шаркий Бухоро, Хива кўрбошиларини ягона бир жабхада бирлаштирмак ва большевикларга карши умумий, кучли харакатни ташкил килмок максасида Туркистонга юз бурганди. Шу учун ҳам «Анвар Пошонинг Бухорода Туркистон тупрогига кадам кўйиши, Туркистоннинг хар томонида бўлганидек, Фаргонада ҳам кўрбошилар ва халк орасида кизгин меҳр билан каршиланди, истиклол максасини буюк максас харакатига айлантирди» (Али Бодомчи, 1917-1934 йиллар Туркистон миллий истиклол харакати ва Анвар Пошо, 1-жилд, 380-бет.)

Пошо Шаркий Бухорога келгач, Фаргонада бўлган турк зобитларидан Исмоил Хаккибейни ёнига чакиради. Унгача Пошонинг Бухорога келганлигини Афғонистон почта ходимлари оркали эшитган Фаргона кўрбошиларининг бош кўмондони, Амири лашкар Шерматбек Исмоил Хакки билан биргаликда Анвар Пошога ўз эхтироми ва богликлигини билдирмок учун Музаффархон мингбоши рахбарлигида бир хайъатни Шаркий Бухорога юборади. Анвар Пошо ундан Фаргона миллий мужодаласи хакида барча маълумотларни олгач, уни Кўлоб кўрбошиси Давлатмандбек хузурига жўнатади. Шу тарзда, унинг ташаббуси билан Бухоро ва Фаргона кўрбошилари ўртасида илк якинлашув ва учрашув бошланади.

1922 йил февраль ойида Анвар Пошо Шерматбекка махсус мактуб жўнатади. Хатда шундай сўзлар битилган эди:

«Мухатарам фидокор мужохид оркадошлар!  
Жаноби Оллохнинг ёрдами билан дину имон душмани бўлмиш большевикларни Душанбе, Шўрчи, Сариосиё, Денов ва Кабодиёндан кувиб чикардик... Большевик кўшинларининг катта кисми Бойсун гарнизонида ўрнашиб олган. Бунга карши Дарвоз, Боботог, Денов, Коратог аскарларидан таркиб топган кўшинларимиз Бойсунни мухофаза этишга тайёрланмокдалар. Бойсунда мухораба давом этаётир. Иншооллох, якин орада бу туманни ҳам озод этажакмиз...» (Али Бодомчи, ўша асар, 384-бет).

Бундай зафарли юришлар совет хокимиятини, албатта, саросимага солиши табиий эди. Тарихий манбаларда кайд килинишича, Анвар Пошонинг Туркистон мужодала майдонига дадил харакатга киришиши давлатининг Шарк ва Туркистонда юритаётган сиёсати таназзулининг бошлангичи эди. 1922 йилнинг апрель ойига келиб, совет хокимияти Анвар Пошога сулх тузишни таклиф этади. Бу сулхга биноан Анвар Пошо Дарвоз, Коратегин, Кўлоб, Душанбе, Хисор сингари шахар ва туманларни бирлаштириб, ўз хошишига мувофик шаклда бир давлат барпо кила олиши эътироф этилганди. Факат битта шарт – Пошо Туркистон масаласига бошка аралашмаслиги керак эди. Анвар Пошо совет элчисига «Бутун рус аскарлари Туркистон тупрогидан чикиб кетгандан сўнг сулх хусусида гап бўлиши мумкин», деб жавоб кайтаради.

У 1922 йил 19 майда совет давлатига Озарбайжон совет жумхуриятининг раиси

Наримон Наримонов оркали ультиматум юборади. Унда ҳам Туркистондан рус армияси зудлик билан олиб чикиб кетилиши талаб килинади. Аммо совет Иттифоки Коммунистик партияси марказий комитети бир кун олдин, яъни 1922 йил 18 майда Туркистон ва Бухоро масалалари тўғрисида янги бир қарор қабул қилади. Унда миллий истиқлол курашига қарши ҳарбий тадбирлар билан бирга, аҳоли орасида ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириш, шунингдек, Анвар Пошони инглизларнинг жосуси, Шарк халқларининг душмани сифатида тарғиб қилишга кўрсатма берилади. Лекин бу ёлгон ва бўхтон тарғиботлардан кўра, Иброҳим лақайнинг бадғумонлиги, субутсизлиги ҳамда Фарғонадаги фидойи кучларнинг вақтида етиб кела олмаганлиги фақат Анвар Пошонинг эмас, умуман, Туркистон миллий озодлик кураши тақдирига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатади. Шерматбек укаси Нурмухаммадбек бошчилигида икки минг кишилик кўшинни Анвар Пошого ёрдам учун Шарқий Бухорога юборади. Аммо шу воқеадан ўн икки кун ўтгандан кейин Шерматбекка укасидан хабар келади. Бу хабар кўрбошиларни гам-гуссага чўктирадиган бир машъум хабар бўлиб, унда Анвар Пошонинг Балживонда шахид бўлганлиги айтилган эди.

Ушбу воқеа Шерматбек хотираларида бундай ҳикоя қилинади: «Шарқий Бухоро бизга 8 кунлик масофа эди. Нурмухаммад Шарқий Бухоронинг Лаҳши кишлогидан йўллаган хабардан Анвар Пошонинг шахид бўлганлигини билдик. Лекин мен ишонмасдим. Чунки бундан аввал ҳам 14 мартаба айни шундай гап тарқалган эди. Лекин бир мунча фурсат ўтгач, Бухоро ила Фарғона ҳудудида Нурмухаммад билан кўришгач, бу машъум хабар ҳақиқат эканлигига ишондим. Аччиқ Олма деган жойда хатми Куръон этиб, фотихалар ўқиб, катта-кичик ўртасида Пошонинг хотирасига ҳурмат бажо айладик. Гам-кулфат наинки бизни, тошу тупроғни ҳам қуршаб олганди. Йигитларимизнинг фиғони кўқларга юксалди. Негаки, бизнинг раҳнамомиз ўлиб, умид юлдузимиз сўнганди. Толесизлигимизнинг аччигидан кимни дуоибад этишимизни, кимнинг бағрига ўзимизни ташлашни билмасдик...

Толесиз ватаннинг, толесиз Туркистоннинг изтироблари не замон тинажак, юзи не замон кулажак, тўққан қонлари не замон қуриаяжак?...

Туркистоннинг озодлиги Анвар Пошо билан баробар Балживонда кўмилди...»

Ана шу жойдан «Балживон» шеърининг юқорида бошланган таҳлилини энди давом эттирса бўлади.

1922 йил 4 август Қурбон байрамнинг иккинчи куни Анвар Пошонинг Балживонда шахид бўлиши фақат Шерматбекка ўхшаш кўрбошилар ёки «босмачилик» курашига бош қўшган мужоҳидларни зор қашатганмиди? Истиқлол учун жангу жадал майдонларида от сурган кишиларгина унинг ўлимини умид ва озодлик юлдузининг сўниши сифатида қабул қилганмидилар? Йўқ, албатта. Рус-совет империяси зулмидан ҳалос бўлишни орзу қилган ҳар бир виждони уйғок миллатпарвар ва эрксевар туркистонлик Анвар Пошони «XX аср Туркистон тарихида битилажак «Истиқлол ишқи»нинг рамзи» деб билган ва тан олгандир. Халқнинг илғор қисми онгида айни шундай ишонч пайдо бўлмаганида Чўлпон ҳеч қачон Анвар Пошонинг шахидлигини назарда тутиб, «Қонлар йиғлатди бизни бу хабар» демасди. Ва Балживонда тўқилган қонларни – «Тарихнинг рангини» ўзгартирган қон дея ҳукм чиқармасди:

Тарихнинг рангини кўп қонлар билан

Карайтган, тўлдирган биров Балживон  
Энг сўнги умидни конга бўяган,  
Ох, кандай хайрсиз замонлар келган!

«Энг сўнги умид» – бу нимага дахлдор умид? Хеч шак-шубха йўкки, бу – Чўлпон нигохида конга бўялган, унинг учун АРМОН бўлган «хайрсиз замонлар» орда қолиб, бизнинг кўз ўнгимизда реал ҳақиқатга айланган ИСТИКЛОЛ ва МУСТАКИЛЛИК умиди эди. Тарих чиндан ҳам ИСТИКЛОЛ орзуси ва МУСТАКИЛЛИК умидини конга беланди. Лекин шу муқаддас орзу, шу буюк умид ўлмаслиги учун ўзбекнинг минг-минглаб жасур фарзандлари қонидан, жонидан кечди.

Хуллас, «Шахидлар юзига томгувчи нурлар» канча замон ўтса ҳамки, қўнғилга илохий бир ёруғлик ато этади. Хотирада наинки жафоқаш Балживон, балки йирок «Мармара бўйлари, эдирна йўли... Карпат чўккилари, Траблус чўли, Берлин кўчалари» ҳам.

Иброҳим Ҳаққул, “Бухоро ҳақиқати”, 1995 йил, 27 декабрь.